

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ИМАМОВА НАСИБА МУЗАФАРОВНА**

**ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy  
(PhD) on economical sciences**

**Имамова Насиба Музафаровна**

Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини  
такомиллаштириш..... 3

**Имамова Насиба Музафаровна**

Совершенствование учета экспортно-импортных и валютных  
операций..... 25

**Imamova Nasiba Muzafarovna**

Improving accounting of export, import and foreign exchange operations... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ИМАМОВА НАСИБА МУЗАФАРОВНА**

**ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2021.2.PhD/Iqt1644 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хотамов Комил Раббимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Холбеков Расул Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дўсмуратов Ражаббой Давлатбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т.Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда экспорт-импорт ва валюта операциялари доимий равишда алоҳида ҳисоб-китоб юритишни талаб этади. Турли мамлакатлар ўртасидаги маҳсулот, иш ёки хизматлар экспорти ёки импортида ўзаро ҳисоб-китоблар натижасида молиявий мажбуриятлар вужудга келади. Мана шу молиявий мажбуриятлар ташқи савдо муносабатларида алоҳида талаблар билан тартибга солинади. Маълумотларга кўра, “ташқи савдо операциялари бўйича шартномаларнинг ярмидан кўпи, валюта бозоридаги 80 фоиз атрофидаги операциялар АҚШ долларларида юритилса, Халқаро Валюта Фондининг 40 фоиз атрофидаги валюта захираси мазкур валютага тўғри келади”<sup>1</sup>. Корхоналарнинг экспорт-импорт фаолиятини ва чет эл валютасидаги операциялари ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш ва янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни етказиб бериш, сақлаш ва суғурта қилиш, товарларнинг божхона орқали расмийлаштириливи, юкларни юклаш ва тушириш операцияларини амалга ошириш учун тўловлар, транспорт ва савдо ҳужжатларини рўйхатдан ўтказишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё мамлакатлари томонидан экспортни жараёнларини қўллаб-қувватланиши, экспорт-импорт операциялари ва валюта муносабатлари бўйича қутилмаган, ностандарт қарорлар қабул қилинишига олиб келиб, ҳисоблашишларнинг ҳам шунга мослашишига олиб келди.

Ўзбекистонда экспорт операцияларини рағбатлантириш, валюта сиёсатини либераллаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги валюта муносабатлари ва импортни тартибга солиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “...хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курсини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда белгилаш мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги технологиялар ва билимларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш”<sup>2</sup>га олиб келиши белгиланган. Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисоби ҳамда мазкур йўналишдаги меъёрий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, бу борада илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон

<sup>1</sup> <http://www.iccwbo.ru/blog/2016/mezhdunarodnye-raschety/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармонида шарҳ

“Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон Республикада “Экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асоси сифатида хизмат қилди. Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини такомиллаштиришнинг илмий-амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан В.Seyoum, К.Robert, Е.Rogowska, Е.О.Ивашиненко, Е.В.Гашева, И.И.Огородникова, Е.Г.Бурова, Н.А.Беззубцева, Т.Г.Шешукова, О.А.Рыбалко, Н.Ю.Грунина, В.В.Семенихин, А.П.Бархатов, О.С.Эзопова-Сорокина, Н.В.Олядничук, И.Д.Демина, М.Ш.Алиева, В.Шаповале, Т.С.Максименко, А.С.Селивановский<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича кўриб чиқилган.

---

<sup>3</sup> Seyoum B, Export-import theory, practices, and procedures second edition 2007y P 7 бет, Robert K the ifrs for smes: foreign currency translation accountancy plus. issue 03. september 2011y, 6-9p. Rogowska E Effects of changes in foreign exchange rates in international accounting standards and in polish accounting regulations olsztyn economic journal 5/1, 2010 y, 135-144 p, Ивашиненко Е.О. Комплексный экономический анализ экспортных операций: дис. ... канд. экон. наук. Воронеж: Воронежский Государственный Университет, 2010 г, Гашева Е.В. Теоретические и прикладные аспекты, существенно влияющие на учет импортных сделок. бухгалтерский учет и статистика. сс 107-111. Огородникова И.И. Методическое пособие особенности налогообложения экспортных и импортных операций. минимизация рисков и ошибок со стороны субъектов внешнеэкономической деятельности г. Ханты-Мансийск 2015 г 8 стр, Бурова Е.Г. Организация и развитие учета экспортных операций в коммерческих организациях: дис. ... канд. экон. наук. ростов н/д: Ростовский Государственный Экономический Университет (ринх), 2011г, Беззубцева Н. А Развитие бухгалтерского учета экспортно-импортных операций в организациях АПК автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва-2012 7стр, Шешукова Т.Г. Рыбалко О.А., Вестник Пермского Университета. Особенности организации учета при осуществлении экспортной деятельности сс 59-65, Грунина Н. Ю. Особенности бухгалтерского учета и контроля импортных операций. Москва 2009 г 182стр, Семенихин В.В., Экспорт и импорт товаров, услуг, интеллектуальной собственности: практическое руководство [текст] /. –м.: Эксмо, 2009. – 60 стр, Бархатов А.П., Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности: учеб. пособие [текст] /– м.: Дашков и к, 2009г. – 115стр.,Эзопова-Сорокина О.С, Методические аспекты бухгалтерского учета и аудита импортных операций: дис. канд. экон. наук [текст] / – спб., м., 2008г. – 34 стр., Олядничук Н.В., Подлубная О.Д. Учет экспортно-импортных операций. бухгалтерський облік. удк облік і фінанси, №1 (75) 2017г. 50 стр, Демина И.Д Особенности бухгалтерского учета импортных операций // все для Бухгалтера, 9/2007г, Алиева М. Ш. Особенности организации бухгалтерского учета внешнеэкономической деятельности в Азербайджане економічний вісник донбасу № 1(55), 2019г. стр 69, Шаповале В.Особенности учета валютных операций вестник университета №19 2013г,

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.Жумаев банк тизимида валюта сиёсати билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича, У.Якубов эса, ташқи иқтисодий фаолият таҳлили бўйича изланишлар олиб борган. Ш.Азизов, С.Джумановнинг экспорт-импорт жараёнлари ва аудити бўйича ишларини кўрадиган бўлсак, Қ.Уришев хорижий валютада ифодаланган хусусий капитал ҳисоби билан боғлиқ бўлган масалаларда ўз ёндашувларини билдиради. Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини юритиш масаласи алоҳида мустақил диссертацион тадқиқот сифатида амалга оширилмаганлиги ва мазкур соҳанинг чуқурроқ ўрганиш зарурати диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ–20170928534-сон “Ўзбекистон экспортёр корхоналарининг ривожланиш эҳтиёжларини инновацион молиялаштириш механизмларини институционал мустаҳкамлаш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи корхоналар ҳисоб сиёсатида устав капиталига чет эл валютасида киритилган улушлари ҳисобини юритишни тадқиқ этиш, таъсисчилар томонидан киритилган улушлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

экспорт операцияларини амалга оширувчи субъектларда солиқ суммаларини шакллантириш, баланс валюта моддалари ҳисоб-аҳборот таъминотини шакллантириш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва хулосалар шакллантириш;

экспорт-импорт ва валюта операцияларни ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олиниши бўйича ўрганишлар асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи субъектлар учун бухгалтерия аҳборотини ва ҳисоб юритишни такомиллаштириш бўйича ҳужжат ва ҳисоб регистрларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

субъектлар томонидан валюта курсини баҳолаш ва ҳисобини юритиш бўйича тадқиқот олиб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистондаги экспорт-импорт ва чет эл валютаси ҳаракатини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

---

222 с., Максименко Т.С Развитие бухгалтерского учета внешнеэкономических операций. Таганрог. 2009г, 198 стр. <http://www.dissercat.com/>, Селивановский А.С. Валютные операции по экспорту и импорту // Бухгалтерский учет, 2018г. № 5. сс. 66-78.

**Тадқиқотнинг предметини** экспорт-импорт ва чет эл валютасидаги операциялар ҳисобини юритишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида мантиқий фикрлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатиш, интервью, назарий ва абстракт мушоҳадалаш, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, статистик ва таҳлилий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таъсисчилар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига киритилган чет эл валютасидаги улуш қайта баҳоланиб бориши ва улуш қайтарилганда валюта курсидан кўриладиган зарарни солиқ базасидан чегириш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъект маҳсулотларни экспорт қилганда тўланадиган солиқ тўловларини шакллантириш ва баланс валюта моддалари таркиби бўйича аналитик ҳисоб реестр шакллари ишлаб чиқилган;

чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш саналари рўйхатига чет эл валютасида киритилган улушларнинг қайтарилиши, қайтариб бериш шарти билан чет эл валютасидаги маблағларнинг олинishi ва қайтарилиш санаси тўғрисидаги нормаларни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарида 2840-йўлдаги тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счёт ва мазкур счёт орқали ҳисоб юритиш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

хорижий хизмат сафари билан боғлиқ жараёнларда хизмат сафарига борилган мамлакат валютаси ва хизмат сафарига бораётган шахсларга берилган валюта ўртасидаги фарқни ҳисобини юритиш таклифи этилган;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи субъектлар учун маҳсулотлар экспорти ҳамда “ички экспорт” учун Tax Free Chequенинг ҳужжат шакли таклиф этилган;

маҳсулот импорти ва экспортини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун импорт, реимпорт, экспорт, реэкспорт, чегарадаги товарлар, божхонадаги товарларнинг ҳисобини юритиш таклифи берилган;

субъектлар томонидан валюта курсини ўзларининг валюта ҳисобварақлари очилган мижоз банки курси асосида баҳолаш ва ҳисобини юритиш услуги таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётда жорий этилгани билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобида ҳужжатлаштиришда ҳисоботгача бўлган жараённи тўлиқ ҳисобини юритиш, экспорт-импорт ва валюта операциялари тўғрисидаги бухгалтерия ахборотини тўлиқ шакллантириш, валюта операциялари ҳисоби бўйича курс фарқи даромадлари ва харажатлари ҳисобини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини такомиллаштириш, хўжалик юритувчилар томонидан ахборотдан фойдаланувчиларни экспорт-импорт операциялари ҳамда чет эл валютаси ҳаракати тўғрисидаги бухгалтерия ахбороти билан таъминлашга қаратилган ҳисоб юритиш тартибини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисоби такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхона ҳисоб сиёсатига баланснинг валюта моддалари таркибига устав капиталига чет эл валютасида киритилган ҳиссаларни ҳамда қайтариш шарти билан олинган хорижий валютадаги қийматликларни киритиш бўйича таклифи “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 10 мартдаги 03-874-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жорий қилиниши натижасида валюта кўринишида киритилган ҳиссаларнинг ҳисобини юритиш ва аниқ баҳосини билиш имконияти яратилган;

хўжалик юритувчи субъект маҳсулотларни экспорт қилганда тўланадиган солиқ тўловларини шакллантириш ва баланс валюта моддалари таркиби бўйича аналитик ҳисоб реестр шакллари “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 10 мартдаги 03-874-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жорий қилиниши натижасида нафақат валюта кўринишидаги балки баланснинг бошқа валюта моддалари тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва фойдаланиш имконияти яратилган;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда таклиф этилаётган ишчи счётлар ва уларнинг қўллаш тартибига оид таклифи “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 10 мартдаги 03-874-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида маҳсулот экспортида корхонадан чиқиб кетган, аммо, харидорга етиб боргунча бўлган даврда йўлдаги маҳсулот, йўлдаги товар, реэксспорт ва реимпорт товарлари ҳисобини аниқ юритиш таъминланган;

чет эл валютасидаги айрим операцияларни амалга ошириш саналари рўйхатига устав капиталига киритилган чет эл валютасида ифодаланган улушларни қайтариш санаси тўғрисидаги ҳамда қайтариб бериш шарти билан олинган маблағларни олиш ва қайтариш санаси тўғрисидаги

нормаларни киритиш бўйича таклифи “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 10 мартдаги 03-874-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жорий қилиниши натижасида балансинг валюта моддаларидаги операцияларни амалга ошириш саналари бўйича ҳисоб юритиш тўлиқлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниш.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган журналларда 7 та, жумладан нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобининг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари ва унинг хусусиятлари экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини юритишнинг назарий-услубий асослари, экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ўрганилган ҳамда ўрганиш натижаларига кўра хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодиётнинг диверсификациялашуви хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятини янада кенгайтириб, пировардида, валюта тушумини таъминлаш, ташқи бозорда барқарор ўрнашиб олиш, рақобатбардош маҳсулотлар, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, республикамизда экспорт-импорт таркиби доимий ўзгаришда бўлиб, алоҳида тадқиқ қилиш ва йиллар бўйича индивидуал хулоса чиқаришни талаб этади (1-жадвал).

## Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорт таркиби фоизда<sup>4</sup>

2016	2017	2018	2019	2020	Ташқи савдо айланмаси	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Экспорт</b>						<b>Импорт</b>				
49,9	47,3	41,9	41,8	41,7		50,1	52,7	58,1	58,2	58,3
<b>Экспорт таркиби</b>						<b>Импорт таркиби</b>				
<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>		<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>Шу жумладан</b>										
5,3	3,8	1,6	1,6	1,0	Пахта толаси	-	-	-	-	-
5,7	7,0	7,8	8,8	9,5	Озиқ овқат маҳсулотлари	11,9	9,1	8,1	7,8	10,2
6,9	7,0	6,5	5,0	5,8	Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	17,5	15,3	13	13,2	16,3
14,2	12,8	19,1	14,5	4,4	Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	4,8	5,3	4,5	3,9	5,2
5,9	7,3	8,4	7,2	8,2	Қора ва рангли металллар	7,6	9,1	9,1	8,7	8,3
1,8	2,8	1,5	2,4	3,1	Машина ва асбоб-ускуналар	41,3	36,1	43	43,8	42,1
25,8	19,7	21,9	19,7	13,2	Хизматлар	6,7	14,1	10,9	10,0	5,7
34,4	39,6	33,2	40,8	54,8	Бошқалар	10,2	11	11,2	12,7	12,2

<sup>4</sup><https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт таркибида энг юқори кўрсаткичларни хизматлар, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари, бошқа товарлар ва саноат товарлари эгаллаб келмоқда. Импорт таркибини асосий юқори кўрсаткичида машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар эгалламоқда. Албатта, мазкур ҳолатдан экспорт-импорт таркиби нормал ҳолатда эканлигини кўришимиз мумкин. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ташқи савдо алоқаларини фаол ривожланаётганлиги, уни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиши ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни либераллаштирилиши, кўпгина ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда, халқаро савдо операцияларида иштирок этиш имконини берди. Натижада, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан экспорт-импорт ва валюта операциялари бухгалтерия ҳисоби масалаларини юритиш билан боғлиқ бир қатор жиҳатларни ҳал этиш вазифаси қўйилмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, экспорт операцияларини амалга оширишда қўйидаги алоҳида хусусиятлар мавжуд:

ташқи бозорга чиқиш йўлини аниқлаш тўғридан-тўғри (мустақил) ёки билвосита воситачилар орқали амалга оширилиши;

алоҳида солиқлар, жумладан, билвосита солиқлар ҳисобини юритиш зарурияти;

экспорт операциялари бир вақтнинг ўзида камида иккита валютада – миллий ва хорижий валютада акс этирилиши ва улар ҳисобининг юритилиши кераклиги.

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги операцияларнинг ҳар бири маълум даражада бухгалтерия ҳисоб тизимига таъсир этади. Бизнингча, уларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

экспорт-импорт операциялари иштирокчилари (харидор ва сотувчи) ўртасида сезиларли масофа туфайли товарларни экспорт қилиш ва олиб кириш бўйича операцияларни амалга ошириш муддати;

экспорт-импорт операцияларининг иштирокчилари (харидор ёки сотувчи) ўртасида божхона чегарасини кесиб ўтиш зарурати ва улар билан боғлиқ операциялар;

экспорт-импорт операциялари иштирокчилари (харидор ёки сотувчи) ўртасида чет эл валютасида ҳисоб китобларни амалга ошириш;

экспорт-импорт операцияларининг иштирокчилари (харидор ёки сотувчи) ўртасида товарларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

экспорт-импорт операцияларининг иштирокчилари (харидор ёки сотувчи) томонидан экспорт ёки импорт товарларига хизмат кўрсатиш учун хизмат кўрсатувчи ёки ишлари бажарадиган томонларни жалб қилиш зарурияти;

экспорт-импорт операцияларини иштирокчилари ўзаро савдо битимларида иштирок этаётган мамлакатларнинг ички нормаларига шунингдек, халқаро меъёрий нормаларга мос келиши;

экспорт товарлари ҳаракатини мамлакат божхонаси ҳудудида ва ундан ташқарида босқичма-босқич назорат қилишни амалга ошириш:

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, умуман, бухгалтерия ҳисоби ва аналитик тизимни ташкил қилишда ҳамда унинг алоҳида элементларига концептуал ёндашувни янада ривожлантиришнинг зарурати нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан ҳам ўзига хос талаблари мавжуд. Жумладан:

экспорт-импорт шартномалари шартларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш учун бухгалтерия ва аналитик ахборотни тақдим этиш методологиясини ишлаб чиқиш;

экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш;

экспорт-импорт фаолиятида иштирок этувчи субъектларда ҳужжатлар юртилиши ва айланишини ташкил этишни текшириш;

экспорт-импорт билан боғлиқ харажатлар таркибини аниқлаш;

экспорт товарларини транспорт ва суғурта шартларига қараб, харажатларни ҳисобга олиш ҳамда тақсимлаш хусусиятларини ўрганиш;

экспорт шартномалари бўйича фаолият давомида хўжалик юритувчи субъект бошқарувини ахборот билан таъминлаш методологиясини ишлаб чиқиш;

экспорт қилинаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан хорижий харидорга ўтиш жараёнини акс эттирувчи рационал ҳужжат айланиш схемасини ишлаб чиқиш

Бизнинг фикримизча, экспорт операцияларини ҳисобга олишнинг умумий схемасини қуйидаги босқичларга бўлиш лозим:

экспорт маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш (экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ҳисобини ташкил этиш);

экспортга юклаб жўнатилган товарлар (маҳсулотлар)ни ҳисобга олиш, экспорт учун тижорат харажатларини юритиш;

экспорт қилинадиган товарлар(маҳсулотлар)ни сотишни ҳисобга олиш;

хорижий харидорлар билан ҳисоб-китобларни юритиш.

Импорт операцияларини иқтисодий мазмуни ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тегишли ахборотларни акс эттирадиган талаблардан келиб чиқиб, импорт товарларни олиб киришни ҳисобга олишни ташкил қилишда қуйидаги босқичларни алоҳида кўрсатиш лозим:

импорт қилинадиган товарларнинг ҳақиқий нархини шакллантириш ҳисобини ташкил этиш;

хорижий етказиб берувчи билан ҳисоб-китобларни ташкил этиш;

жараённинг бажарилишини таъминлаш бўйича назорат чораларини ташкил этиш.

Импорт қилинадиган товарларни сотиб олишнинг ҳақиқий харажатлари сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

товарларнинг шартнома қиймати;

божхона божлари, солиқлар;

товарларни улардан фойдаланиш жойига етказиб бериш, шунингдек, суғурта харажатлари;

товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бевосита бошқа харажатлар;

банк хизматлари билан боғлиқ харажатлар (валютани сотиб олиш).

Импорт қилинадиган товарлар ҳисобини юритишда қуйидаги иккита жиҳатни эътироф этишимиз лозим:

импорт қилинадиган товарларга эгалик харидорга ўтган даврдан бошлаб ҳисобга олиниши зарур;

импорт қилинадиган товарлар қиймати харажатлар таркибидан келиб чиқиб тўғри шакллантириш лозим.

Фикримизча, ҳисоб сиёсатида чет эл валютаси билан боғлиқ ҳисоб-китоблар усули ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши керак:

чет эл валютасини сўмга нисбатан курси билан боғлиқ ҳисоб-китоблар санаси;

валюта курслари бўйича фарқларни аниқлаш ва акс эттириш;

чет эл валютасида ифодаланган активлар ва пассивлар қийматини сўмда қайта ҳисоблаш ҳамда уларни ҳисобга олиш.

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ташқи савдо операцияларини ташкил этиш ва юритишни таъминлашни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина ўзгартириш мумкин. Булар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

экспорт-импорт операциялари валюта ва бошқа операциялар бўйича мамлакатимиз қонунчилигида, шунингдек, валюта ва экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш ёки солиқ ҳисобини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ўзгартирилганда;

чет эл валютасида ифодаланган мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олишнинг янги усули, усуллари ва услублари ишлаб чиқилганда ҳамда қабул қилинганда;

экспорт-импорт операцияларини ташкил этиш шароитида сезиларли ўзгартиришлар юз берганда. Хўжалик юритувчи субъектнинг ташқи иқтисодий фаолиятида сезиларли ўзгаришлар ташқи омиллар (халқаро даражадаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, иқтисодий ташқи савдо қарорлари ва бошқалар) ва ички омиллар (хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этиш, мулкчилик ва инвесторларнинг ўзгариши, фаолият турини ўзгартириш, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий сиёсати ва бошқалар).

Хўжалик юритувчи субъектларда баланс валюта моддалари бўйича ахборотларни аниқлигини таъминлаш мақсадида “баланс валюта моддаси” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини келтириб ўтдик: “Баланс валюта моддаси - хўжалик юритувчи субъектда қўлланиладиган валюта бирликлари, валюта бирликларини ўзгармас, аниқланадиган суммасида олинадиган, тўланадиган активлар, мажбурият ёки хусусий капиталдир”.

Бизнингча, баланснинг валюта моддалари таркибига устав капиталига чет эл валютасида киритилган ҳиссаларни ҳамда қайтариш шарти билан

олинган хорижий валютадаги қийматликларни киритиш, яъни 22-сонли БҲМСнинг 15-бандига хусусий капитални ҳам киритиш лозим. 16-бандида эса, устав капитали қайта баҳоланмайди деган нормани, “хусусий капиталнинг айрим валюта моддалари қайта баҳоланади” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, “хорижий валютадаги операция - бу рухсат этилган хорижий валютада операцияни амалга ошириш ёки хорижий валюта ҳисоб-китобига доир операция”.

Диссертациянинг “**Хўжалик юритувчи субъектларда экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш**” деб номланган иккинчи бобида экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини ҳужжатлаштириш масалалари, валюта операциялари ҳисобини ташкил этиш, экспорт операцияларида солиқлар ҳисоби каби масалалар бўйича амалдаги ҳолат ва бошқа тадқиқотлар ўрганилиб, боб якунида асосланган хулосалар шакллантирилган.

Солиқлар ҳисобини юритишда экспорт-импорт билан боғлиқ ҳисоб муомалаларида товар ва иш хизматлар бўйича солиқ тўловлари битта счёта йиғиб боради. Аммо, экспорт маҳсулотлари ички бозордаги ёки экспорт учун мўлжалланган бўлиши мумкин. Бунда алоҳидалашган ҳисобни олиб боришда солиқ суммаларини шакллантиришда муаммоларга дуч келинади. Ўрганишлар асосида, биз томонимиздан, экспорт операцияларида солиқ суммаларини шакллантириш реестри таклиф этилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Экспорт маҳсулотларига солиқ суммаларини шакллантириш бўйича аналитик реестр<sup>5</sup>

Ҳисоб -китоб даври _____								
Шарнома №	Товар қабул қилинган сана	Ҳисоб фактура			экспортга жўнатилган сана	Экспортдан тушум	Божхона юк декларацияси	Қайд учун
		сана	номер	сумма				
<i>Ҳисобчи</i>								

Шунингдек, у экспорт товарларининг иш хизматлар, ички ва ташқи бозор, тўғридан-тўғри экспорт учун ҳамда консигнаторлар орқали етказиб беришда алоҳида ҳисобни юритишда ёрдам беради.

<sup>5</sup> муаллиф томонидан тузилган

**Таклиф этилаётган Tax Free Chequening хужжат шакли**  
*Хужжатнинг олд қисми*

<b>ҚҚСни қайтариш хужжати</b>		<b>Махсус код</b>
		<b>Касса чеки рақами</b>
<b>Сотиб олинган товарлар рўйхати</b>	<b>Сони</b>	
Сотиб олинган товарлар ҚҚС қиймати		
ҚҚСсиз товарлар қиймати		
Харидорга қайтариладиган сумма		
_____		
Харидорга қайтариладиган сумма ҳарфларда		
Ф.И.О.		_____
Яшаш манзили		
Паспорт рақами		
		Харид санаси ва имзо

*Хужжатнинг орқа қисми*

Харидор ва сайёҳларга Почта индекси ҚҚС суммасини қайтариш махсус хужжати		
Товарлар номи (чек билан тўлиқ мос келувчи)	Суммаси (валюта номи билан)	Сони
Харидор тўғрисида маълумот Савдо дўкони маълумотлари		
Паспорт бўйича исми		
Паспорт бўйича фамилиси		
Паспорт рақами		
Яшаш манзили		
Идентификацион рақам: _____		
харидор имзоси савдо ходими имзоси		
Томонлар ҳуқуқлари	Божхона қайдлари учун (штамп, муҳр ва х.к)	
Томонлар мажбуриятлари		



Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг хорижий мамлакатлардаги ҳолатини тадқиқ этишда ҳар бир мамлакатнинг бу борадаги тажрибаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бир қатор дунё мамлакатларида жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган товарлар экспортга ноль даражали ставка қўлланилади, харидорга имтиёз берилади. Мазкур жараён Tax free деб номланиб, қўшилган қиймат солиғини қайтариш тизими ҳисобланади. Экспорт фаолиятини амалга оширишда ноль ставканинг қўлланилиши, бухгалтерия бўлими ҳисоб-китобни амалга оширишда бир қатор ҳужжатлар мажмуасини ўз ичига олади. Ўрганишлар асосида маҳсулот реализацияси, иш ва хизматлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда, солиққа тортиш тизимида, унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, Tax free ҳужжати шаклини тавсия қиламиз (3-жадвал).

Биз томонимиздан савдо корхоналарида экспортга жўнатилган товарлар счётини очиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Бу юкланган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотни жамлайди. Улар таркибига қуйидаги аналитик счётларни очиш лозим:

- тўғридан-тўғри экспорт товарлари;
- божхона омбори ва портларидаги экспорт товарлари;
- чегарадаги экспорт товарлари;
- чет элга экспорт қилинадиган ва қайта ишланадиган экспорт товарлари;
- экспорт жўнатилган товарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариб экспорт қилувчилар учун маҳсулотларини экспортга чиқариш бир куннинг ўзида амалга оширилмайди, яъни маҳсулотни юклаб жўнатиш ва харидор томонидан қабул қилингунга қадар, маълум бир вақтни талаб қилади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот экспортини бухгалтерияда ҳисобга олиш учун 2800-счёт таркибида, 2840-“Йўлдаги маҳсулотлар” счётини очиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, 22-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига нафақат активлар ва мажбуриятларни балки, хусусий капитал билан боғлиқ жараёнларда чет эл валютаси ҳисобини ифода этувчи нормаларни киритиш лозим.

Чет эл валютасида устав капиталига киритилган улушлар Марказий банк курси асосида сўмда ифодаланиши билан бирга, қайта баҳолаб борилиши зарур. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хусусий капитал, жумладан, устав капитали суммаси курс фарқи ҳисобига қайта баҳолаб борилмаса, инвесторни таъсисчилар сафидан чиқиши, хорижий валютада киритилган улушини қайтаришда муаммони шу билан бирга солиқ оқибатларини ҳам ҳам келтириб чиқаради. Шу боис, фикримизча, устав капиталига қўшилган ҳиссалар баланснинг активи сифатида баҳолаб борилиши билан бирга пассив томонда ҳам баҳолаб борилиши мақсадга мувофиқ.

22-сонли БҲМСда чет эл валютасидаги айрим операцияларни амалга ошириш саналари келтирилган бўлиб, мазкур рўйхатга устав капиталига киритилган чет эл валютасида ифодаланган улушларни қайтариш санаси

тўғрисидаги ҳамда қайтариб бериш шарти билан олинган маблағларни олиш ва қайтариш санаси тўғрисидаги нормаларни киритиш керак.

Хорижий хизмат сафари билан боғлиқ тўловлар бўйича амалга оширилган санани аниқлашда асословчи ҳужжатлар ёки аниқ нормалар мавжуд бўлганда, ходим томонидан харажатлар ҳақиқий қилинган сана, агар ҳужжатлар тақдим этилмаса, бўнак ҳисоботи топширилган сана чет эл валютасидаги операцияни амалга ошириш санаси сифатида тан олиниши лозим.

#### 4-жадвал

### Чет эл валютасидаги айрим операцияларни амалга ошириш саналари РЎЙХАТИ<sup>6</sup>

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасидаги операциялар амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади
Чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари бўйича операциялар	Чет эл валютасидаги пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш ёки уларни банкдаги ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уларни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни баҳолаш	Товар-моддий захиралари ва бошқа активларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларацияси) мавжуд бўлганда, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси
Ходимларнинг ҳисобдор суммалари бўйича чет эл валютасидаги қарзларини акс эттириш	<b>*Ҳақиқат харажат қилинганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳужжатлардаги сана, ҳужжатлар тақдим қилинмаганда эса бўнак ҳисоботи топширилган сана</b>
Чет эл валютасидаги қарзларнинг тўланиши (қопланиши)	Чет эл валютасидаги қарзларни тўлаш (қоплаш) санаси
Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлар бўйича қарздорлигининг юзага келиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав капиталининг шаклланиши (кўпайиши)	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларини киритиш санаси
<b>*Чет эл валютасида киритилган улушларнинг қайтарилиши</b>	<b>*Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларини қайтариш бўйича таъсисчилар томонидан қарор қабул қилинган сана<sup>7</sup></b>
<b>*Қайтариб бериш шарти билан чет эл валютасидаги маблағларнинг олиниши</b>	<b>*Қайтариб бериш шарти билан чет эл валютасидаги маблағлар олинган сана</b>
<b>*Қайтариб бериш шарти билан чет эл валютасидаги маблағларнинг қайтарилиши</b>	<b>*Қайтариб бериш шарти билан чет эл валютасидаги маблағлар қайтарилган сана</b>

<sup>6</sup> \*муаллиф таклифлари асосида киритилган.

<sup>7</sup> муаллиф таклифи

Фикримизча, хорижий валютада ифодаланган қийматликдаги товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда, шу товарлар бўйича баҳоланган баланснинг дебиторлик қарзи шаклидаги валюта моддаларини баҳолашдан олинмаган даромадини курс фаркидан олинган даромад сифатида тан олинмаслиги ҳамда унинг ҳисобини алоҳида юритиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларда валюта қийматликлари ҳисобини юритишда Марказий банк курси бўйича эмас, миқдор банк курси бўйича барча ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мустақил хўжалик юритувчи субъект хорижий валютани қайси суммага сотиб олиши ёки сотишига қараб, курс фарқини ҳисоблаш керак.

Диссертациянинг учинчи боби **“Экспорт-импорт ва валюта операциялари ҳисобини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида хорижий валютадаги операциялар ҳисобини ва экспорт-импорт операциялари ҳисобини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳсулот ва товарларни экспорти ҳамда импорти масалалари бир мунча аниқроқ бўлиб, улар ҳисобини юритиш ҳам катта мураккабликларни келтириб чиқармайди. Яъни, маҳсулот экспортида у юклар ортилади, чегарадан чиқарилади ёки бошқача тарзда чиқиб кетиши ҳисобга олинади. Аммо, хизматлар экспорти ва импортида эса, хизмат қилувчилар томонидан мазкур хизмат республикамизда, республикамиздан ташқарида ёки ўртадаги бирор давлатда амалга оширилиши мумкин.

Фикримизча, устав капиталига чет эл валютасида киритилган улушларни баҳолаш, ижобий ва салбий курс фарқлари ҳисобини юритиш учун устав капиталини ҳисобга олувчи сўтлар негизида “Чет эл валютасида киритилган улушлар бўйича курс фарқи” номли сўтни очиб бу жараёни бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттириш мақсадга мувофиқ:

Чет эл валютасида ифодаланган устав капиталига улушлар қайта баҳоланганда:

Ижобий курс фарқи:

Дт-8430-Хорижий валютада киритилган валюта моддасининг баҳоланиши (курс фарқи ҳисобига);

Кт-9540-Валюта курсидан даромадлар.

Салбий курс фарқи:

Дт-9620-Валюта курсидан зарарлар;

Кт-8430-Хорижий валютада киритилган валюта моддасининг баҳоланиши (курс фарқи ҳисобига). Чет эл валютасида олинган фойданинг тақсимотида тақсимлашда ҳам валюта курсини инобатга олиш лозим.

Мазкур таклифларнинг амалиётда қўлланилиши чет эл валютасида киритилган улушларнинг ҳақиқий қийматини доимий равишда ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва хўжалик юритувчи субъект молиявий маблағлари устидан назорат ўрнатишга ёрдам беради.

